2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 217 (1816), 2026 йил 20 октябрь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ: КЎҲНА ТАРИХНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 19 октябрь куни Самарқанд шаҳрида бўлиб, Ўзбекистон — Марказий Осиё ва АҚШ муносабатларининг эврилиш даври мулоқоти тадбирларида иштирок этди.





Тарихнинг сўнмас қуввати ва янги давр истиқболини ўзида мужассам этган Самарқанд айни кунларда яна дунё жамоатчилиги диққати марказида бўлиб турибди. Башарият тинчлиги ва барқарор тараққиёти йўлида кейинги йилларда қатор йирик халқаро анжуманларга мезбонлик қилган азим кентда бу сафар Марказий Осиё давлатлари ва АҚШни бирлаштирган “С5+1” форматидаги ташқи ишлар вазирлари учрашуви бўлиб ўтди.

АҚШ Давлат котиби Марко Рубионинг Самарқандга Американинг қарийб 300 та компанияси вакиллари билан келгани ҳам саммитнинг нуфузи, ташрифдан кўзланган мақсад нақадар муҳим эканидан далолат беради.

19 октябрь, Самарқанд. АҚШ Давлат котиби Марко Рубионинг Самарқандга ташрифи тафсилотлари эрта тонгдан нафақат минтақа ёки АҚШ матбуоти, балки дунё медиаси ва ижтимоий тармоқларнинг асосий мавзуларидан бирига айланди. Хусусан, АҚШ Давлат котибининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари ҳамроҳлигида Регистон майдонига ташрифи ва у ерда журналистлар билан ўтказилган мулоқотда ташрифнинг аҳамияти ва “С5+1” форматига доир фикрлар янгради.

Жумладан, Марко Рубио, аввало, Ўзбекистон томонига самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирар экан, юртимизнинг сўнгги ўн йилдаги ютуқларини алоҳида қайд этди: **“Бу — гўзал мамлакат. Сўнгги ўн йилда иқтисодий ўсиш ва фаровонлик борасида эришган ютуқлари ҳайратланарли”.** У яна давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар моҳиятига тўхталиб, **“Бу ер иқтисодий жиҳатдан кескин ўсиб бормоқда. Халқига фаровонлик учун улкан имкониятлар яратмоқда. Менимча, бу халқларимизни, давлатларимизни бир-бирига янада яқинлаштиради. Муносабатларни умумий фаровонликдан кўра кўпроқ мустаҳкамлайдиган нарса йўқ”,** деди.

Марко Рубио шу куни видеомурожаат ҳам йўллади. У Самарқанд асрлар давомида жаҳон савдосининг муҳим марказларидан бири бўлганини қайд этар экан, бугун бу ерда бўлиш унинг учун шараф эканини таъкидлади.

“Асрлар давомида жаҳон савдоси шу ердан ўтган. Бугун у яна қайтмоқда. Биз эса унинг бир қисми бўлишни истаймиз”, деди Марко Рубио.

Куннинг биринчи ярмида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ташқи ишлар вазирлари ҳамда АҚШ Давлат котиби иштирокида “С5+1” форматидаги вазирлар учрашуви бўлиб ўтди.

АҚШ Давлат котибларининг Ўзбекистонга ташрифи тарихи мустақиллигимизнинг дастлабки пайти — 1992 йилдан бошланган. Улар орасида 2015 йилда ўша пайтдаги АҚШ Давлат котиби Жон Керрининг Самарқандга ташрифи алоҳида аҳамиятга эга. Чунки айнан ўша йили Марказий Осиёнинг бешта давлати ва АҚШ ташқи ишлар вазирларининг илк учрашуви бўлиб ўтди. Мулоқот якунида мунтазам дипломатик алоқаларни давом эттириш ҳамда АҚШнинг Марказий Осиё давлатлари суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлашга содиқлиги қайд этилган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация қабул қилинди. Шу тариқа “С5+1” ҳамкорлик форматига асос солинди.

Орадан 11 йил ўтди. Хўш, Ўзбекистон, умуман, минтақа билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликда қандай ўзгариш кузатилди? Биргина тасдиқ ёки инкор билан мазкур саволга тўлақонли жавоб бериш мушкул. Чунки ушбу даврда кўп нарса ўзгарди, катта натижаларга эришилмоқда. Масалан, ушбу форматдаги вазирлар учрашуви изчил давом эттирилди: 2016 йилда Вашингтон ва Гамбургда, 2017 ва 2019 йил кузида Нью-Йоркда, 2020 йилда Тошкентда ўтказилди.

Мулоқот коронавирус пандемияси даврида ҳам тўхтаб қолмади. Фақат пандемия билан боғлиқ чекловлар туфайли онлайн давом эттирилди. Хатарлар чекиниб, глобал миқёсда эпидемиологик вазият барқарорлашгач, вазирлар учрашуви одатий тартибда давом этди.

Мулоқотнинг давлат раҳбарлари даражасига кўтарилиши ушбу формат ривожида муҳим босқич бўлди. Хусусан, 2023 йил сентябрда Нью-Йоркда “С5+1” етакчиларининг биринчи саммити, 2025 йил ноябрда эса Вашингтонда иккинчи саммити муваффақиятли ўтказилди. Айниқса, ўтган йили 6 ноябрь куни Оқ уйда ўтказилган иккинчи саммит ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Зеро, унда кўплаб келишувларга эришилди. Бизнес-форум доирасида Марказий Осиё минтақаси бўйича умумий қиймати 25 миллиард доллардан ортиқ савдо ва инвестиция келишувлари эълон қилинди.

“С5+1” форматида ҳамкорлик асосан учта йўналиш — иқтисодиёт, энергетика ва хавфсизликка таянади. Улар савдо ва инвестиция кўламини кенгайтириш, энергетика хавфсизлиги ва минерал хомашё салоҳиятидан фойдаланиш, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва чегара хизматлари алоқалари ҳамда киберхавфсизликни қамраб олади.

Шунга мос равишда минтақаларимиз ўртасидаги ҳамкорликка доир рақамлар ҳам ўсиб бормоқда. Биргина мамлакатимиз мисолида олиб қарасак, бундан ўн беш йил аввал АҚШ компанияларининг Ўзбекистонга киритган инвестицияси миқдори қарийб 500 миллион долларни ташкил этган.

2026 йилга келиб, иқтисодий ҳамкорлик кўлами кескин кенгайди. Юз миллионлик рақамлар ўрнини ўнлаб миллиард долларлик ҳамкорлик эгаллади. Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида 35 миллиард долларлик уч йиллик Иқтисодий ҳамкорлик дастури амал қилмоқда. Мамлакатимизда Америкининг 340 га яқин компанияси фаолият юритяпти.

АҚШ билан ҳам Ўзбекистон, ҳам минтақамиз ҳамкорлиги барқарор ривожланишида “С5+1” формати самарали платформа экани шубҳасиз. Лекин бу ерда ўзаро ҳамкорликни рағбатлантирувчи бошқа жиҳат мавжуд. Бу — янги Ўзбекистоннинг дунёга очилгани, Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси билан бошланган инсон қадрини улуғлаш, очиқлик сиёсати даврида йиллар давомида мамлакатнинг халқаро имижига соя солиб келган қатор масалалар, хусусан, инсон ҳуқуқлари, мажбурий меҳнат, конвертация чеклови каби энг оғриқли муаммолар бартараф этилгани, Марказий Осиё яхши қўшничилик, тинчлик ва ҳамкорлик майдонига айлангани каби кўплаб ижобий ўзгаришлардир. Натижада мамлакатимиз билан мулоқот йўсини ўзгарди. Бир пайтлар Вашингтон билан мулоқотда Ўзбекистондаги муаммоли масалалар устунлик қилган бўлса, ҳозир тарихий янгиланиш жараёни, қўлга киритилаётган салмоқли натижалар ҳисобига асосий эътибор ҳамкорлик, инвестициялар ва янги имкониятларга қаратилмоқда.

Юқорида айтилганидек, илгари ҳамкорлик асосан саноқли йирик компаниялар атрофида қурилган бўлса, бугун уларнинг нафақат кўлами, балки доираси ҳам кенгайди. Энергетика, авиация, молия, АТ, қишлоқ хўжалиги ва критик минералларгача бўлган муҳим соҳаларда АҚШ бизнеси билан йирик лойиҳалар кун тартибига чиқмоқда. Яъни қисқа муддатда Ўзбекистон Америка бизнес доиралари учун саноқли йирик лойиҳалар бозоридан ўнлаб миллиард долларлик ҳамкорлик портфели шаклланган муҳим иқтисодий йўналишга айланди.

Вазирлар йиғилишида муҳокама қилинган мавзулар, эришилган натижалар ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бинобарин, мулоқотда минтақа вазирлари ва АҚШ Давлат котиби савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, узоқ муддатли инвестицияларни жалб этиш, транспорт, энергетика ва рақамли инфратузилмани ривожлантириш юзасидан атрофлича фикр алмашди. Муҳим минераллар соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу — минтақамизда янги саноат қувватлари, иш ўринлари ва технологик имкониятлар яратилади дегани.

Шунингдек, бизнес вакилларини устувор лойиҳаларни белгилаш ва илгари суришга жалб этиш учун “С5+1” ва “В5+1” форматлари ўртасида мунтазам ҳамкорликни йўлга қўйиш таклиф этилди.

Учрашув якунлари бўйича Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгиланган қўшма баёнот имзоланди.

Президентимиз “С5+1” мулоқоти доирасида “Franklin Templeton” компанияси президенти ва бош ижрочи директори Женни Жонсон, “Wabtec” компанияси директорлар кенгаши раиси ва бош ижрочи директори Рафаэль Сантана, “Traxys” компанияси бош ижрочи директори Марк Кристоффни қабул қилди.

Женни Жонсон хоним билан мулоқотда йирик давлат корхоналарини трансформация қилиш бўйича бажарилаётган ишларнинг дастлабки натижалари кўриб чиқилиб, галдаги вазифалар муҳокама қилинди. Иккинчи учрашувда “Wabtec” компанияси директорлар кенгаши раиси билан мамлакатимизда темир йўл инфратузилмаси ва транзит салоҳияти ривожланаётганини ҳисобга олиб, локомотивлар паркини янгилаш ва кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Муҳим хомашё ва минералларни етказиб бериш бўйича жаҳоннинг етакчи компанияларидан бири — “Traxys” компанияси бош ижрочи директори билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Куннинг энг муҳим воқеаларидан бири, шубҳасиз, Президентимизнинг “С5+1” форматидаги вазирлар учрашуви ҳамда Америка — Ўзбекистон ишбилармонлик ва инвестиция кенгашининг иккинчи йиғилишида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган АҚШ Давлат котиби Марко Рубиони қабул қилгани бўлди.

Давоми 2-бетда

МАРКАЗИЙ ОСИЁ – МАҚСАДЛАРИ МУШТАРАК ЯГОНА МАКОН

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 19 октябрь куни “С5+1” форматидаги учрашувда иштирок этиш учун Самарқанд шаҳрига келган минтақа давлатларининг ташқи ишлар вазирларини қабул қилди.

Ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари билан мамлакатларимиз ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Жумладан, мамлакатимиз етакчиси Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари — ташқи ишлар вазири Рашид Мередов билан мулоқотда бугун “Марказий Осиё +” формати дунё миқёсида нақадар катта ғурур билан янграётгани, биргаликда жуда кўп ишлар қилинаётганига алоҳида эътибор қаратди. Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги Стратегик шериклик бўйича олий кенгашни намуна сифатида кўрсатаётганини таъкидлади.

Ўз навбатида, Рашид Мередов Самарқанддаги учрашувнинг тарихий рамзига эътибор қаратиб, **“Айнан шу шаҳарда 2015 йил ноябрь ойида “С5+1” форматига асос солинган. Орадан 11 йил ўтиб, яна Самарқандда учрашаётганимиз биз учун алоҳида аҳамиятга эга”,** деди.

Дарҳақиқат, бундан 11 йил аввал бошланган ушбу форматдаги мулоқот бугун Марказий Осиёнинг дунёдаги умумий овозига айланди.

Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Мухтар Тлеуберди билан мулоқотда эса Президент Администрациялари, парламентлар, ҳукуматлар, ҳудудлар ва ишбилармон доиралар даражасидаги фаол алоқалар юксак баҳоланди. Президентимиз **“Ҳурматли Қосим-Жомарт Кемелович билан муносабатларимиз мутлақо янги босқичга кўтарилган. Ҳатто энг мураккаб масалаларда ҳам биргаликда тўғри ечимлар топяпмиз”,** деди.

Қирғиз Республикаси ташқи ишлар вазири Жээнбек Кулубаев билан мулоқотда мамлакатларимизнинг яқинлашуви, иқтисодий ҳамкорлик ва иттифоқчилик муносабатларига алоҳида эътибор қаратилди. **“Одамлар биз йилдан йилга бир-биримизга тобора яқинлашиб бораётганимизни ҳис қилиши керак. Бир миллиард доллар бу — чегара эмас. Агар жиддий саноат кооперациясини йўлга қўйсак, беш миллиард долларлик маррага эришиш ҳам реал”,** деди давлатимиз раҳбари.

Мулоқотда Президентимизнинг “Бизга кучли Қирғизистон керак!” деган даъвати яна бир бор янгради. **“Мен ўшанда буни баралла айтган эдим. Мен Ўзбекистон Президенти сифатида айтаман: бундан ўзбек халқи фақат хурсанд бўлади”,** деди Шавкат Мирзиёев.

Ўз навбатида, Жээнбек Кулубаев айнан Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси туфайли икки мамлакат муносабатлари иттифоқчилик даражасига кўтарилганини таъкидлади.

Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиддин Муҳриддин билан учрашувда Ўзбекистон ва Тожикистон чегарасидан ID карта орқали ўтиш тизимини жорий этишни тезлаштириш кераклиги айтилди.

Жумладан, **“Президентлигимнинг илк кунлариданоқ Тожикистон билан муносабатлар мен учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Ўзингиз биласиз, биз жуда катта ишларни амалга оширдик. Илгари чегаралар ёпиқ эди. Бугунгидек савдо айланмаси ҳам, бундай яқин муносабатлар ҳам йўқ эди.**

Ўзбекистон ва Тожикистонда бир-бири билан қариндошлик ришталари орқали боғланмаган оиланинг ўзи деярли йўқ.

ID карталар орқали чегарадан ўтиш тизимини жорий этишни ҳам тезлаштиришимиз керак. Чунки юк ташиш ҳажми ортиб бормоқда ва бу масалани ҳал қилишга реал эҳтиёж мавжуд”, деди давлатимиз раҳбари.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорликнинг янги имкониятлари кўп асрлар давомида халқлар, маданиятлар ва савдо йўлларини бирлаштириб келган шаҳар — Самарқандда муҳокама қилинаётгани рамзий маънога эга эканини таъкидлади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 20 октябрь, 217-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ: КЎҲНА ТАРИХНИНГ ЯНГИ ДАВРИ



Бошланиши 1-бетда

Учрашувда давлатимиз раҳбари Америка бизнесининг Ўзбекистонга қизиқиши тарихий даражага кўтарилганига алоҳида эътибор қаратар экан, **“Ўзбекистон тарихида Америка бизнес ҳамжамиятининг бундай кенг кўламдаги иштироки илгари ҳеч қачон бўлмаган. Биз тарихда янги саҳифа очяпмиз”,** деди.

АҚШ Давлат котиби давлатимиз раҳбарига АҚШ Президенти Дональд Трампнинг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказди. Марко Рубио Президент Трамп билан икки соат аввал гаплашганини, у Шавкат Мирзиёев билан аввалги учрашувни илиқ хотирлагани ва яна кўришишни интиқлик билан кутаётганини етказди.

Учрашувда асосий эътибор Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклигини янада мустаҳкамлаш, олий даражада эришилган келишувларни изчил амалга ошириш масалаларига қаратилди.

“С5+1” форматидаги навбатдаги вазирлар учрашувининг якунлари юқори баҳоланди. Сиёсат ва хавфсизлик, савдо ва инвестициялар, инновация ва технологиялар, таълим ва маданият каби устувор йўналишларда икки томонлама ҳамкорлик фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Икки мамлакат парламентлари ва идоралари ўртасида тўғридан тўғри ҳамда конструктив мулоқот йўлга қўйилган, ишбилармон доиралар ҳамда академик ҳамжамиятнинг алоқалари кенгаймоқда.

Қайд этилганидек, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик, аввало, терроризм, экстремизм, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланмаси ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш каби йўналишларда мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида Кенгайтирилган стратегик шериклик мулоқоти йўлга қўйилгани икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда муҳим қадам бўлди. Унинг биринчи йиғилиши якунлари бўйича қатор ҳужжатлар, жумладан, коинотни тинч мақсадларда ўзлаштириш соҳасидаги “Артемида” битимлари имзоланди.

Иқтисодий ҳамкорлик стратегик шерикликнинг асосий таянч нуқталаридан. Йил бошидан буён ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 35 фоиз ошди. Иқтисодий ҳамкорлик дастури доирасида фуқаро авиацияси, автомобилсозлик, кончилик, энергетика, қишлоқ хўжалиги, рақамлаштириш ва молия соҳаларида йирик лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришда Ишбилармонлик ва инвестиция кенгашининг ўрни катта экани таъкидланди. Кенгашнинг Самарқандда ўтган йиғилиши доирасида 12 миллиард долларлик янги келишувларга эришилди.

Гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам изчил кенгаймоқда. Тошкентда Вебстер университети, Америка технологиялар университети ва Колорадо кончилик мактабининг компетенциялар маркази муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ўзбекистонга келаётган америкалик сайёҳлар сони ҳам ортиб бормоқда.

Томонлар амалий ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги истиқболларини ҳам белгилаб олди. Стратегик аҳамиятга эга муҳим минераллар, энергетика, транспорт, сунъий интеллект ва рақамли технологиялар соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш учун улкан салоҳият мавжуд.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида Кенгайтирилган стратегик шериклик мулоқоти йўлга қўйилгани икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда муҳим қадам бўлди. Унинг биринчи йиғилиши якунлари бўйича қатор ҳужжатлар, жумладан, коинотни тинч мақсадларда ўзлаштириш соҳасидаги “Артемида” битимлари имзоланди.

Ҳудудлараро алоқаларни ривожлантириш ва ишбилармон доиралар делегацияларининг ўзаро ташрифини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро сиёсат ва минтақавий хавфсизликнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашилди.

Икки мамлакат етакчилари иштирокида бўлиб ўтадиган тадбирлар режаси ва уларни мазмунан бойитиш масалалари кўриб чиқилди.

Президентимизнинг тегишли фармонлари билан АҚШ Давлат котиби Марко Рубио ва АҚШ Президентининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича махсус вакили Сержио Гор давлат мукофотлари билан тақдирланди. Давлатимиз раҳбари давлат мукофотларини ўз эгаларига тантанали топширди.

Марко Рубио “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди. Унинг Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шерикликни ривожлантириш, сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш, Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўшган улкан ҳиссаси эътироф этилди. Шунингдек, янги Ўзбекистоннинг халқаро ташаббусларини илгари суриш, икки мамлакат халқлари ўртасидаги ишонч ва дўстликни мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари алоҳида таъкидланди.

Сержио Гор эса Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда стратегик шерикликни кенгайтиришга қўшган ҳиссаси учун “Дўстлик” ордени билан тақдирланди. Унинг сиёсий мулоқотни фаоллаштириш, икки томонлама келишувларни амалга ошириш, америкалик сармоядорларни жалб этиш ва қўшма лойиҳаларни илгари суриш борасидаги саъй-ҳаракатлари, шунингдек, Америка — Ўзбекистон ишбилармонлик ва инвестиция кенгаши доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришдаги хизматлари эътироф этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу куни Америка-Ўзбекистон ишбилармонлик ва инвестиция кенгашининг иккинчи йиғилиши очилишида ҳам иштирок этди.

Тадбирда Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Марко Рубио, АҚШ Президентининг махсус вакили Сержио Гор, Американинг етакчи компаниялари ва банклари вакиллари ҳам қатнашди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорликнинг янги имкониятлари кўп асрлар давомида халқлар, маданиятлар ва савдо йўлларини бирлаштириб келган шаҳар — Самарқандда муҳокама қилинаётгани рамзий маънога эга эканини таъкидлади.

Ишбилармонлик ва инвестиция кенгашининг бугунги йиғилишига катта тайёргарлик кўрилгани қайд этилди. Натижада умумий қиймати қарийб 12 миллиард долларлик 54 та келишув ва истиқболли ташаббусдан иборат тўплам шакллантирилди. Уларни амалга ошириш учун комплекс ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Америка ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани, бу, энг аввало, АҚШ Президенти Дональд Трампнинг шахсий эътибори ва қўллаб-қувватлови туфайли экани қайд этилди.

Мустаҳкам сиёсий шериклик асосида иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Бу борада қўшма лойиҳалар ва ташаббусларни илгари суришга салмоқли ҳисса қўшаётган Америка — Ўзбекистон ишбилармонлик ва инвестиция кенгаши алоҳида ўрин тутади.

Мамлакатимиз етакчиси Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга тўхталиб ўтди. Иқтисодиёт ўсиб бормоқда, янги корхоналар ишга туширилмоқда, иш ўринлари яратилмоқда, ёшлар учун таълим олиш имкониятлари кенгаймоқда.

Шу билан бирга, саноатни янада ривожлантириш ва замонавий инфратузилмани барпо этиш учун инвестициялар жалб қилиш жараёни илғор технологияларни жорий этиш, билим ва тажриба алмашиш билан бирга олиб борилиши зарурлиги таъкидланди.

Бу борада АҚШ бизнеси билан ҳамкорлик қилиш бўйича катта тажриба тўпланган таъкидланди. Бугунги кунда Ўзбекистонда Америка сармояси иштирокидаги юзлаб компаниялар фаолият юритмоқда. Улар билан саноат, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, таълим ва янги технологиялар соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйилган. Айни пайтда Ўзбекистон компаниялари ҳам АҚШ иқтисодиётига инвестиция киритишни бошламоқда.

Муҳим минералларни ўзлаштириш ва чуқур қайта ишлаш орқали юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш, замонавий ва барқарор энергетика тизимини ривожлантириш, маълумотларни қайта ишлаш марказларини ташкил этиш, саноат, қишлоқ хўжалиги, таълим ва давлат бошқарувига сунъий интеллект ҳамда рақамли ечимларни жорий қилиш, таълим ва кадрлар тайёрлаш ҳамкорликни янада кенгайтириш учун истиқболли йўналишлар сифатида кўрсатиб ўтилди.

Ишбилармонлик ва инвестиция кенгашининг йиғилишига катта тайёргарлик кўрилгани қайд этилди. Натижада умумий қиймати қарийб 12 миллиард долларлик 54 та келишув ва истиқболли ташаббусдан иборат тўплам шакллантирилди. Уларни амалга ошириш учун комплекс ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилади.

Кенгаш фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида куч ва имкониятларни учта устувор вазифани ҳал этишга сафарбар этиш муҳимлиги таъкидланди.

Аввало, АҚШ тадбиркорлари учун тушунарли ва олдиндан тахмин қилиш мумкин бўлган шарт-шароитларни яратиш зарур. Ўзбекистонга келган сармоядор маъмурий тартиб-таомилларга вақт сарфламасдан, тезда ўз бизнесини бошлаш имкониятига эга бўлиши лозим.

Бу борада инвесторлар билан ишлашда “Plug and Play” тамойилига асосланган янги ёндашувга ўтилаётгани таъкидланди. Уларга ер майдони, инфратузилма, рухсат олиш ва ҳужжатлар расмийлаштириш масалалари ҳал этилган тайёр лойиҳалар таклиф этилади.

Ўзбекистонлик тадбиркорлар ҳам ҳамкор сифатида иштирок этиши ва инвестициявий хатарларнинг бир қисмини ўз зиммасига олиши мумкин. Янги ташкил этилган Тўғридан тўғри инвестициялар жамғармаси ҳам бундай лойиҳаларда иштирок этади.

Кейинги устувор вазифа сифатида иқтисодиётнинг янги тармоқларини ҳамда саноат ва технологиялар жадал ривожланишига хизмат қиладиган йирик марказларни биргаликда шакллантириш муҳимлиги қайд этилди. Кенгаш икки мамлакат ўртасидаги узоқ муддатли иқтисодий шерикликнинг стратегик механизмига айланиши лозимлиги таъкидланди. Шу муносабат билан 2035 йилгача бўлган даврга мўлжалланган савдо-инвестициявий ва технологик ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Шу билан бирга, кенгаш янги ташаббусларни ишлаб чиқиш, тизимли тўсиқларни бартараф этиш ва йирик қўшма лойиҳаларни илгари суришда муҳим ўрин тутадиган мулоқот майдонига айланиши лозим.

Америка — Ўзбекистон ишбилармонлик ва инвестиция кенгаши иккинчи йиғилиши очилишида имзоланган ҳужжатларни алмашиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Шундан сўнг Президентимиз Самарқандга ташрифини якунлаб, Тошкентга қайтиб келди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“ПАРВОЗЛАРИМИЗ БАЛАНД БЎЛАВЕРСИН!”

Шукуҳ



Наргиза АБДУЛЛАЕВА,
Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгаши депутати, СамДТУ даволаш ишлари бўйича проректори

Қадим Самарқанд — башарият тамаддунининг бешиги. Буюк ипак йўли марказида жойлашган бу табаррук замин асрлар давомида турли маданиятлар ва халқларнинг тарихий чорраҳаси, Шарқ билан Ғарб ўртасида савдо-сотиқ, илм-фан ва маданий-гуманитар алоқалар ривож топган кўприк бўлиб келди.

Бугунги кунда ҳудуд бой тарихий меросини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ва дунёга танитиш билан бир қаторда иқтисодий салоҳиятини ҳам изчил мустаҳкамлаб боряпти. Самарқанд юртимизнинг энг жадал суръатлар билан ривожланаётган йирик индустриал марказларидан бирига айланди.

Сўнгги йилларда бу ерда ишлаб чиқариш корхоналари сони 1,5 баробар, саноат маҳсулотлари ҳажми эса 1,7 баробар кўпайди. Эътиборлиси, ҳудуд иқтисодиёти замон талабларига мос равишда диверсификация қилинмоқда. Бу эса иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлаб, тадбиркорликка кенг йўл очиш ҳамда янги иш ўринларини яратишда муҳим омил бўляпти.

Ўтган даврда вилоят иқтисодиётига 12 миллиард доллардан ортиқ инвестиция жалб этилди. Бу маблағ эвазига саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаси ва замонавий инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган ўнлаб йирик лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

Самарқанд иқтисодиёти драйверларидан бири бўлган туризм тармоғида ҳам улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда. Транспорт, меҳмонхона хўжалиги ва хизмат кўрсатиш тизими замон талаблари асосида тубдан янгиланиши туфайли Самарқандниг тарихий обидаларини зиёрат қилишга келаётган сайёҳлар оқими йилдан йилга рекорд даражада ортиб бормоқда.

Самарқанд бугун нафақат минтақавий, балки глобал миқёсдаги умумбашарий масалалар муҳокама қилинадиган, халқаро мулоқотларнинг нуфузли маркази сифатида дунё саҳнида тан олинмоқда.

Жорий йилнинг 19 октябрь куни бу ерда давлатимиз раҳбари Америка — Ўзбекистон ишбилармонлик ва инвестиция кенгаши йиғилишида иштирок этди ва қатор икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Президентимиз Самарқандга бу галги ташрифи давомида транспорт инфратузилмаси ва замонавий шаҳарсозлик лойиҳалари билан танишди.

Шаҳар тараққиёти нафақат янги бинолар, балки ҳудудларни ўзаро боғлайдиган замонавий транспорт тузилмаси билан ҳам белгиланади. Самарқандда Қорадарё устидан барпо этилаётган кўприк ана шундай муҳим лойиҳалардан биридир.

2023 йил 6 июнь куни Президентимиз Самарқандга ташрифи давомида Қорадарё бўйида 389 гектар ерда бунёд этиладиган “Ширин” массиви лойиҳаси билан танишиб, уни илғор шаҳарсозлик тажрибаси асосида такомиллаштириш, ижтимоий хизматларни кўпайтириш вазифасини қўйган эди.

Бу жараёнда янги массивни шаҳар билан қулай автотранспорт алоқалари орқали боғлаш муҳим аҳамият касб этади. Қорадарё устидан қурилаётган кўприк транспорт оқимини самарали ташкил этиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва тирбандликларни камайтиришга қаратилган. У “Ширин” массивини Самарқанд шаҳри ҳамда халқаро аэропорт билан боғлайди.





Лойиҳа қиймати 310 миллиард сўм бўлган кўприкнинг узунлиги 780 метр, кенглиги 29,8 метр, баландлиги эса 2 метрни ташкил этади. Қатнов қисми 4 тасма, кунига 25 мингтагача транспорт воситасини ўтказиш қувватига эга бўлади.

Лойиҳа қиймати 310 миллиард сўм бўлган кўприкнинг узунлиги 780 метр, кенглиги 29,8 метр, баландлиги эса 2 метрни ташкил этади. Қатнов қисми 4 тасма, кунига 25 мингтагача транспорт воситасини ўтказиш қувватига эга бўлади.

Янги объект фойдаланишга топширилгач, Ширин шаҳарчасидан марказгача бўлган масофа 23 километрдан 4 километрга, йўлга кетадиган вақт эса 30 дақиқага қисқаради.

Президентимиз бу галги ташриф чоғида ушбу йирик иншоот қурилиши билан яқиндан танишди ва фаоллар билан суҳбатлашди.

“2016 йилда Ўзбекистонга бор-йўғи 1 миллион 200 минг сайёҳ келарди. Ҳозир Самарқанднинг ўзига бир йилда 5 миллион сайёҳ ташриф буюрди. Қачон биз бундай натижаларни тасаввур қилардик? Албатта, бугун дунё рақобат асосида ривожланяпти. Биз ҳам бу рақобатда ўз ўрнимизни мустаҳкамлашимиз керак.

Лойиҳаларни тўғри ишлаб чиқсак, логистикани оқилона ташкил этсак, харажатларни қисқартирамиз, одамларимизнинг узоғини яқин қиламиз. Ахир бу шаҳар одамлар учун-ку!

Мана шу кўприк менинг орзуларимдан бири эди. Бугун бу орзу рўёбга чиқди”, деди Президентимиз.

Шундай экан, барпо этилаётган кўприк Самарқанднинг эртанги тараққиётига хизмат қиладиган муҳим инфратузилма лойиҳасидир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

НИГОҲ


3

2026 йил 20 октябрь, 217-сон

Еттинчи миллий дастур — Ўзбекистоннинг тинчлик ва дўстлик диёри, бағрикенг ўлка сифатидаги нуфузини ҳар томонлама юксалтириш.



МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ХАЛҚИМИЗНИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ



Мансур МУСАЕВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор

Бугун глобал зиддият ва беқарорликлар кучайиб бораётган бир вақтда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш ҳар бир давлат олдида турган долзарб вазифалардан бирига айланди. Айниқса, мазкур ҳолат мамлакат хавфсизлиги ва жамият барқарорлигини таъминлашни кечиктириб бўлмас вазифа сифатида кун тартибига қўймоқда.

Мана шундай шароитда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, миллий мустақилликни асраш ҳамда уни янада мустаҳкамлаш тобора долзарблашиб бормоқда.

Қайд этиш керакки, мамлакатимизда миллатлараро тотувликни таъминлашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг миллати, ирқи ва тилидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги кафолатланган.

Қолаверса, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тили, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш ҳамда ривожлантириш учун зарур шароит яратиш давлатнинг бош тамойилларидан биридир. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Конституциямиз миллатлараро тотувликнинг нафақат сиёсий, балки ҳуқуқий пойдеворини ҳам белгилаб беради.

Бу тамойиллар таълим тизимида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, умумий ўрта таълим мактабларида дарслар ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида ўтилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланди. Кейинги йилларда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни қарор топтириш, кўп миллатли халқнинг ягона оила сифатидаги бирлигини янада кучайтиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсатини тизимли мувофиқлаштириш мақсадида махсус давлат органи — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита самарали фаолият юритяпти. У турли миллат вакилларининг маданияти, урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришга кўмаклашмоқда.

Жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида 30 июль Халқлар дўстлиги куни сифатида белгиланди.

Ушбу санага бағишлаб “Дўстлик” ҳафталиги ва “Дўстлик” халқаро форум-фестивали каби йирик халқаро тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда. Шунингдек, юртимизда миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган фидойиларни рағбатлантириш мақсадида “Халқлар дўстлиги” кўкрак нишони таъсис этилган.

Президентимиз мустақиллигимизнинг ўттиз беш йиллигига бағишланган тантанали маросимда келгуси ўн йиллик биз учун миллий юксалиш даври бўлишини таъкидлаб, юртимизда инсон қадрини янада юксалтирадиган 7 та миллий дастурни эълон қилди.

Албатта, уларнинг ҳар бири мамлакат ҳаётининг муайян йўналишини қамраб олган бўлиб, еттинчиси Ўзбекистоннинг тинчлик ва дўстлик диёри, бағрикенг ўлка сифатидаги нуфузини ҳар томонлама юксалтиришни назарда тутади. У юртимизда қарор топган миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ва ижтимоий ҳамжиҳатлик муҳитини асраш ва янада бойитишни мақсад қилгани билан аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 та диний конфессия вакиллари ўзаро аҳил ва ҳамжиҳат ҳаёт кечирмоқда. 157 та миллий маданий марказ ва 46 та дўстлик жамияти турли миллатлар тили, маданияти ва анъаналарини асрашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Еттинчи миллий дастур ички тараққиёт ва ташқи сиёсат вазифаларининг ўзаро уйғунлигида намоён бўлади. Зеро, тинчлик ва миллатлараро тотувликнинг мустаҳкамлиги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар учун барқарор муҳитни таъминлашга хизмат қилади.

Соҳадаги энг муҳим ҳужжатлардан бири давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 15 ноябрдаги фармони билан тасдиқланган Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясидир. Ушбу ҳужжатда миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, миллат ва элатларнинг этник-маданий ўзига хослигини сақлаш, жамиятда миллатлараро бағрикенглик, тотувлик ва тинчликни мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг муҳим мақсадлари сифатида белгиланган.

Концепцияда миллий бирликни мустаҳкамлаш, этник гуруҳларнинг тили, урф-одат ва анъаналарини ҳурмат қилиш ҳамда бағрикенглик муҳитини ривожлантириш устувор вазифалар сифатида тилга олинган. Шу нуқтаи назардан қараганда, еттинчи миллий дастур мазкур ҳуқуқий-институционал асосларни янги босқичда такомиллаштиришга қаратилган стратегик йўналишдир.

Шу билан бирга, 2021 йил 5 июлда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун ҳам жамиятда тинчлик ва бағрикенглик муҳитини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Муҳими, дастур Ўзбекистоннинг тинчликпарвар қиёфаси, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни уйғун ривожлантиришга асосланган муҳим ижтимоий-сиёсий омил сифатида намоён бўлади.

Минтақамиз ҳамжиҳатлиги, барқарорлиги, ўзига хослиги билан халқаро муносабатлар тизимида алоҳида субъект сифатида тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Натижада минтақада савдо, инвестиция ва транспорт алоқалари сезиларли даражада кенгайиб бормоқда. Бу эса қўшма инвестиция жамғармалари, чегараолди савдо-саноат зоналари ва йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга замин яратмоқда.

Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари ўзаро ишонч ва ҳамкорликни кучайтирмоқда. “Марказий Осиё плюс” форматлари эса минтақа давлатларининг халқаро ҳамкорлигини янада кенгайтирмоқда. Энг асосийси, Марказий Осиёдаги янги ҳамкорлик муҳити тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаб, минтақавий тараққиётга хизмат қилмоқда. Яхши қўшничилик ва ўзаро манфаат эса бу ҳамкорликнинг асосий таянчига айланмоқда.

Айтиш жоизки, еттинчи миллий дастур доирасида мамлакат нуфузини юксалтиришда бағрикенглик ғоясини ижтимоий институтлар орқали мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Бағрикенгликни жамиятда барқарор қадриятга айлантириш, энг аввало, таълим, маҳалла, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва маданий ташкилотларнинг ўзаро тизимли ҳамкорлиги орқали таъминланади.

Бунинг учун таълимда миллатлараро ва маданиятлараро мулоқотни кучайтириш, ёшларда турли маданиятларга ҳурмат муҳитини шакллантириш, миллий-маданий марказлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, оммавий ахборот воситаларида ҳамжиҳатлик ғояларини кенг ёритиш, маҳалла ва фуқаролик жамияти ҳамкорлигини ривожлантириш зарур.

Бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашда интернет ва ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган, адоват ва низони тарғиб қилувчи ахборотларга қарши медиасаводхонликни ошириш, турли миллат ва дин вакиллари ўртасида маданий-гуманитар мулоқотни кенгайтириш талаб этилади. Албатта, мазкур ёндашувлар маданиятлараро мулоқот, ижтимоий ишонч ва ҳамжиҳатликни кучайтиришга замин яратади.

Бағрикенгликни мустаҳкамлаш оила, таълим, маҳалла, фуқаролик жамияти, ОАВ ва маданият муассасалари ҳамкорлигига таянади. Бу ёндашув бағрикенгликни тадбир доирасидан чиқариб, жамиятнинг кундалик ҳаётидаги муҳим қадриятга айлантиради. Шу нуқтаи назардан, дастур доирасида мамлакат нуфузини юксалтириш “ички тотувлик — минтақавий ҳамкорлик — халқаро мулоқот” уйғунлигида намоён бўлади.

Ўзбекистоннинг тинчликпарвар давлат сифатидаги нуфузини мустаҳкамлашда ички барқарорлик, яхши қўшничилик ва халқаро ҳамкорлик муҳим ҳисобланади. Еттинчи миллий дастурда бу мақсадларга эришишда қуйидаги йўналишлар устуворлик касб этади.

Биринчидан, миллатлараро тотувликни мунтазам ўрганиш ва ижтимоий ишонч, бағрикенглик ҳамда ҳамкорлик даражасини баҳолаш.

Иккинчидан, ёшларда маданиятлараро мулоқот кўникмаларини ривожлантириш ва уларни қўшма ижтимоий лойиҳаларга кенг жалб этиш.

Учинчидан, миллий-маданий марказлар, маҳалла ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини кучайтириб, уларни мулоқот ва ҳамжиҳатлик майдонига айлантириш.

Тўртинчидан, рақамли муҳитда бағрикенглик маданиятини ривожлантириш ва ижтимоий кескинлик келтириб чиқарувчи ахборотларга қарши медиасаводхонликни ошириш.

Еттинчи миллий дастур шарҳи



> **“Президентимиз қайд этганидек: “Биз ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва буюк келажагимизни биргаликда барпо этамиз! Ишончим комил, матонатли, мард ва олижаноб халқимиз ўз олдига қўйган улуғ мақсадларга албатта етади. Ватанимизнинг олтин даврини, янги буюк тарихини албатта барчамиз биргаликда яратамиз!”.**

Бешинчидан, “тинчлик ва дўстлик дипломатияси”ни маданий-гуманитар лойиҳалар, илмий анжуманлар, ёшлар форумлари орқали кенгайтириш муҳимдир. Айниқса, илмий анжуманлар, маданият кунлари, талабалар алмашинуви ва ёшлар форумлари мамлакатнинг ижобий халқаро қиёфасини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Еттинчи миллий дастур доирасида Ўзбекистонни халқаро дипломатиянинг муҳим марказларидан бирига айлантириш кўп қиррали, очиқ ва мувозанатли ташқи сиёсатни изчил давом эттиришни тақозо этади. Бунда барча давлатлар билан ўзаро ҳурмат, тенглик ва манфаатдорлик асосида ҳамкорликни ривожлантириш устувор вазифа ҳисобланади. Расмий ёндашувларда ҳам Марказий Осиёда яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ролини ошириш устувор вазифалар сифатида белгиланган. Айниқса, бу жараёнда иқтисодий дипломатия муҳим ўрин тутади. Савдо ва инвестицияларни кенгайтириш, экспортни ошириш, замонавий технологияларни жалб этиш ҳамда транспорт-логистика ва саноат ҳамкорлигини ривожлантириш мамлакат ташқи сиёсатининг амалий самарадорлигини оширади.

Ўзбекистоннинг очиқ, прагматик ва тинчликпарвар сиёсати узоқ муддатли тараққиётимизни таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Муҳими, бугун Марказий Осиёда аҳил қўшничилик, стратегик шериклик ва дўстлик алоқаларини кенгайтиришда тарихий ютуқларга эришилди.

МДҲ, Европа Иттифоқи, Америка, Осиё-Тинч океани минтақаси ва араб-мусулмон дунёси давлатлари билан муносабатларимиз янада мустаҳкамланди. Шарқий Европа, Африка ва Лотин Америкаси билан янги ҳамкорлик йўналишлари очилди. Ўзбекистон билан дипломатик муносабат ўрнатган давлатлар сони қарийб 170 тага етди.

Мамлакатимиз 2027-2029 йилларда Қўшилмаслик ҳаракатига илк маротаба раислик қилади. Бу эса, ўз навбатида, юртимизнинг халқаро дипломатиядаги фаоллигини янада оширади. Ўзбекистоннинг дунёдаги 120 дан ортиқ давлатни бирлаштирган ушбу глобал тузилмага илк бор раислик даврида тинчлик, ўзаро ишонч, бағрикенглик ва кўп томонлама мулоқотни кучайтиришга қаратилган ташаббусларни илгари суриши режалаштирилган.

Шу жиҳатдан Қўшилмаслик ҳаракатига раислик Ўзбекистоннинг тинчликпарвар ва очиқ ташқи сиёсатини намоён этиш, халқаро мулоқотни кенгайтириш ва глобал ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилади.

Сўнгги йилларда “Марказий Осиё плюс” форматлари кенгайиши минтақанинг халқаро майдондаги фаоллиги ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан муносабатлари стратегик шерикликнинг янги босқичида ривожланиб бормоқда.

Хусусан, 2025 йил октябрда имзоланган Ўзбекистон — Европа Иттифоқи Кенгайтирилган шериклик битими муносабатларни янги босқичга кўтарди. Ҳамкорлик савдо, транспорт, рақамлаштириш, энергетика, “яшил” технологиялар ва критик хомашё каби йўналишларни ўз ичига олмоқда. Ўзаро ҳамкорлик экспорт-импортдан ташқари инвестиция, технология ва замонавий инфратузилма йўналишларида ҳам тобора кенгайиб бормоқда.

Кенгайтирилган шериклик битими 2026 йилдан вақтинча амалга киритилиб, савдо ва инвестицияларни диверсификациялаш ҳамда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда янги имкониятлар очди. Транспорт, энергетика, рақамлаштириш ва инфратузилма соҳаларидаги ҳамкорлик кенгайиши, 2026 йилда Европа инвестиция банкининг Тошкентда минтақавий ваколатхона очиши шерикликнинг амалий кўлами ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Умуман олганда, икки томонлама стратегик шериклик Европа бозорларига чиқиш имкониятларини кенгайтириб, Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини мустаҳкамламоқда.

Сўнгги йилларда Шарқий Европа, Жануби-шарқий Осиё, Яқин Шарқ, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари билан сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий-гуманитар муносабатлар ҳам фаоллашди. 2025 йилда Словакия, Сербия, Иордания ва Парагвай билан юқори даражадаги мулоқотлар кўпайгани Ўзбекистон ташқи шериклик географияси кенгайиб бораётганини намоён этди.

Умуман олганда, ташқи алоқалар кенгайиши Ўзбекистонга янги бозор ва ҳамкорлик имкониятларини очиб, халқаро майдондаги фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, глобал ва минтақавий хавфсизлик нуқтаи назаридан Афғонистонда тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ён қўшнимиз бўлган Афғонистон бўйича конструктив сиёсат қатъий давом эттирилмоқда. Афғонистон Ўзбекистон ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутиб, унинг барқарорлиги ва тараққиёти Марказий Осиё хавфсизлиги ҳамда минтақавий ҳамкорлик билан чамбарчас боғлиқ.

Еттинчи миллий дастур ташқи сиёсат вазифаларидан ташқари ички барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва мамлакатнинг халқаро нуфузини ошириш ҳамда ҳамкорликни боғловчи муҳим стратегик йўналиш ҳисобланади. Чунки жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатлик қанчалик мустаҳкам бўлса, мамлакатнинг ташқи сиёсатдаги ишончли ва тинчликпарвар қиёфаси шунчалик ортади. Аҳамиятлиси, ушбу дастурнинг мазмун-моҳиятида бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни жамиятнинг муҳим бойлиги сифатида асраш, яхши қўшничилик ва дўстлик муносабатларини ривожлантириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган вазифалар ўзаро уйғунлашган.

Мазкур ёндашув ички барқарорликни ташқи сиёсатнинг ижтимоий пойдевори, алоқаларни эса мамлакат нуфузини юксалтиришнинг муҳим омили сифатида намоён этади. У мамлакатдаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни ички тараққиёт ҳамда халқаро нуфузни мустаҳкамлаш омилига айлантиради. Дастур доирасида Ўзбекистоннинг тинчлик ва дўстлик диёри, бағрикенг мамлакат сифатидаги нуфузини юксалтиришга қаратилган ишлар, аввало, жамиятда ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш учун замин яратади.

Мамлакатда тинчлик, миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитининг барқарорлиги ички тараққиёт учун мустаҳкам ижтимоий асос бўлади. Келгусида бу жараён халқаро ҳамкорлик ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш, хорижий давлатлар билан ишончли мулоқотни мустаҳкамлашга янада равон йўл очади. Шунинг учун дастур турли миллат вакиллари ўртасидаги тотувлик ва бағрикенглик, ёшларда умуминсоний қадриятларга эҳтиром, фуқаролик бурчи ҳамда Ватанга дахлдорлик ҳиссини юксалтиради. Энг муҳими, мазкур йўналишдаги ишлар Ўзбекистоннинг тинчликпарвар давлат сифатидаги халқаро қиёфасини мустаҳкамлаш билан бирга ички барқарорлик ва тараққиётга ҳам хизмат қилади.

Шундай экан, еттинчи миллий дастурни амалга оширишда тинчлик, дўстлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик қадриятларини сингдириш, миллий хилма-хилликни асраб-авайлаш, фуқаролик бирдамлигини мустаҳкамлаш ва маданиятлараро мулоқотни кучайтириш муҳим йўналишлардан бири саналади.

Дастурнинг стратегик аҳамияти шундаки, у тинчлик ва дўстликни жамият барқарорлиги ҳамда мамлакат нуфузини мустаҳкамловчи омил сифатида белгилайди.

Президентимиз қайд этганидек: “Биз ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва буюк келажагимизни биргаликда барпо этамиз! Ишончим комил, матонатли, мард ва олижаноб халқимиз ўз олдига қўйган улуғ мақсадларга албатта етади. Ватанимизнинг олтин даврини, янги буюк тарихини албатта барчамиз биргаликда яратамиз!”.

Шундай экан, донишманд халқимизнинг букилмас иродаси кучи ва салоҳиятига таянган ҳолда юртимизни янада фаровон, обод қилишда машаққатли меҳнат, фидойилик ва юксак масъулиятни ҳис этиш стратегик вазифамиз эканини барчамиз теран англашимиз лозим.

2026 йил 20 октябрь, 217-сон

Тараққиётнинг энг ишончли ўлчови — унинг инсон ҳаётидаги натижаси. Статистиканинг вазифаси эса ана шу натижани холис, аниқ ва тушунарли рақамларда кўрсатишдан иборат.

Таҳлил

МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА: РАҚАМЛАРДА АКС ЭТГАН ТАРАҚҚИЁТ



Ўттиз беш йил тарих учун катта давр бўлмаслиги мумкин. Аммо мамлакат ҳаётида бир авлод улғайиши, иқтисодиётнинг янги қиёфа касб этиши, шаҳар ва қишлоқлар ўзгариши, миллионлаб инсонларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши ва турмуш тарзи янгиланиши учун етарли вақт.



Беҳзод ҲАМРОЕВ,
Миллий статистика қўмитаси раиси

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 35 йиллигига етиб келар экан, босиб ўтилган йўлни баҳолашда энг холис манбалардан бири статистикадир. Чунки рақамлар кечаги ва бугунги ҳолат ўртасидаги фарқни аниқ кўрсатади. Аҳоли сони, ялпи ички маҳсулот, инвестиция, ташқи савдо, таълим, умр давомийлиги, камбағаллик ёки аҳолининг яшаш шароитига оид кўрсаткичларни бир-бири билан таққослаганда мамлакатда юз берган ўзгаришлар кўлами янада яққолроқ намоён бўлади.

Шу маънода, статистика ўтган даврнинг рақамлардаги солномасигина эмас. У бугунги ҳолатни англаш, эртанги вазифаларни тўғри белгилаш ва қабул қилинаётган қарорлар натижасини баҳолаш учун зарур асосдир.

2026 йил 28 август куни давлатимиз мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз мамлакат тараққиётининг кейинги босқичи учун қатор янги марраларни белгилаб берди. Жумладан, иқтисодиётни юқори технология ва меҳнат унумдорлиги моделига ўтказиш, келгуси ўн йилда 450 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этиш, 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини 300 миллиард АҚШ долларига етказиш ҳамда саноатда 2 миллионта юқори даромадли иш ўрни яратиш вазифалари қайд этилди.

Бу мақсадларнинг кўламини тўғри тасаввур қилиш учун эса, аввало, мустақиллик йилларида қандай иқтисодий ва ижтимоий йўл босиб ўтилганига назар ташлаш зарур.

Иқтисодиётнинг ўзгача кўлами

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳажми, тармоқ таркиби, ишлаб чиқариш имкониятлари ва ташқи бозорлар билан алоқалари бугунгидан мутлақо бошқача эди. Ўтган 35 йил мобайнида иқтисодиёт нафақат миқдор жиҳатидан ўсди, балки ички тузилиши ҳам сезиларли даражада ўзгарди.

2025 йил якунларига кўра, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти жорий нархларда 1849,7 триллион сўмни ташкил этди. Реал ҳажм нуқтаи назаридан қаралганда, мамлакат иқтисодиёти 1991 йилдаги даражага нисбатан қарийб 4,8 баравар, 2016 йилдаги кўрсаткичга нисбатан эса 1,7 баравар ўсди.

2026 йилнинг биринчи ярми ҳам иқтисодий фаоллик юқори суръатда давом этаётганини кўрсатди. Январь-июнь ойларида ялпи ички маҳсулот 1072,7 триллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан реал ҳисобда 8,5 фоиз ўсди. Иқтисодиёт тармоқларининг ялпи қўшилган қиймати таркибида хизматлар соҳаси 50,8 фоиз, саноат 26,5 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги 15 фоиз, қурилиш эса 7,7 фоиз улушга эга бўлди.

Бу нисбатлар Ўзбекистон иқтисодиётида хизматлар ва саноатнинг ўрни тобора ортиб бораётганини кўрсатади. Энди иқтисодий ўсишнинг мазмуни фақат ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар ҳажми билан эмас, балки меҳнат унумдорлиги, технологиялар даражаси, яратилаётган қўшилган қиймат ва иш ўринлари сифати билан ҳам белгиланади.

Айни шу нуқтаи назардан 2030 йилгача ЯИМни 300 миллиард долларга етказиш вазифаси янги босқичнинг миқдорий марраси бўлиш билан бирга иқтисодиётнинг сифат жиҳатидан ҳам янгиланишини тақозо этади.

Сармоя — ўсишнинг пойдевори

Иқтисодиётнинг узоқ муддатли ўсиши инвестиция билан чамбарчас боғлиқ. Янги корхона, ишлаб чиқариш линияси, йўл, электр тармоғи, уй-жой, мактаб ёки шифохона — буларнинг барчаси, аввало, сармоя талаб қилади.

2025 йилда Ўзбекистонда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестиция ҳажми 603,6 триллион сўмни ташкил этди. Реал ҳажм нуқтаи назаридан инвестициялар 1991 йилдаги даражага нисбатан 14,6 баравар, 2016 йилдагига нисбатан эса қарийб 3,9 баравар ошди.

Қурилиш соҳасида худди шундай катта ўзгариш кузатилади. Дастлабки маълумотларга кўра, 2025 йилда республикада 313,9 триллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Уларнинг реал ҳажми 1991 йилдагига нисбатан 12,3 баравар, 2016 йилдагидан эса 2,5 баравар кўпайди.

Бу рақамлар ортида минглаб янги объектлар, ишлаб чиқариш қувватлари ва инфратузилма лойиҳалари турибди. Шу билан бирга, кейинги босқичда инвестиция ҳажмининг ўзи етарли кўрсаткич бўлиб қолмайди. Киритилган сармоя қанча янги маҳсулот яратди, нечта барқарор иш ўрни пайдо қилди, экспорт имкониятларини қай даражада кенгайтирди ва меҳнат унумдорлигига қандай таъсир кўрсатди — инвестиция самарадорлигини айнан шу натижалар белгилайди.

2030 йилгача ва ундан кейинги давр учун белгиланган кенг кўламли инвестиция вазифаларининг аҳамияти ҳам шунда. Капитал оқимини жалб қилиш билан бирга уни юқори технологик ва юқори қўшилган қиймат яратадиган соҳаларга йўналтириш иқтисодиётнинг янги моделини шакллантиришда ҳал қилувчи омил бўлади.

Дунё бозорлари очиляпти

Ўзбекистон иқтисодиётида юз берган катта ўзгаришларни ташқи савдо кўрсаткичларида ҳам кўриш мумкин.

2025 йилда Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси 82,8 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўрсаткич 1991 йилдаги 3,3 миллиард долларга нисбатан қарийб 25 баравар, 2016 йилдаги 24,2 миллиард долларга нисбатан эса 3,4 баравар кўпайган. Шундан экспорт 34,25 миллиард, импорт эса 48,52 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.



Бугун Ўзбекистон дунёнинг 200 дан зиёд мамлакати билан савдо алоқаларига эга.

Бироқ замонавий иқтисодиётда ташқи савдонинг умумий ҳажми билан чекланиб қолиш мумкин эмас. Мамлакат учун экспортда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар улуши ортиши, ташқи бозорларга тайёр маҳсулот ва замонавий хизматлар билан чиқиш, экспорт географиясини кенгайтириш ва саноат кооперациясини кучайтириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

20,6 миллиондан 38 миллиондан зиёд аҳолигача

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг демографик қиёфаси тубдан ўзгарди. 1991 йил бошида мамлакатнинг доимий аҳолиси 20,6 миллион эди. 2026 йил 1 январь ҳолатига жорий статистик ҳисоб бўйича аҳоли сони 38 миллион 236,7 мингга етди. Яъни ўтган 35 йилда Ўзбекистон аҳолиси қарийб 17,6 миллионга кўпайди.

Бу ўзгариш мамлакат иқтисодиёти учун катта меҳнат ва истеъмол бозорини шакллантирди. Айни вақтда демографик ўсиш давлат ва жамият олдига янги вазифаларни ҳам қўйди. Миллионлаб янги фуқаро учун таълим муассасалари, тиббий хизмат, уй-жой, транспорт, муҳандислик инфратузилмаси ва муносиб иш ўринларига эҳтиёж пайдо бўлди.

Нуфус ошгани сари мамлакатнинг умумий иқтисодий кўрсаткичларини



аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлар билан бирга баҳолашнинг аҳамияти ҳам ортиб боради. Чунки иқтисодий тараққиётнинг энг муҳим натижаси унинг инсон ҳаётида қандай акс этаётгани билан белгиланади.

Имкониятларнинг кенгайиши

Мустақиллик йилларида аҳолининг таълим олиш имкониятлари сезиларли даражада кенгайди. 1991/1992 ўқув йилида республикада 8557 та, 2016/2017 ўқув йилида 9719 та умумтаълим муассасаси фаолият юритган бўлса, 2025/2026 ўқув йили бошида уларнинг сони 11 минг 118 тага етди.

Олий таълим соҳасидаги ўзгариш янада сезиларли. 2025/2026 ўқув йили бошида Ўзбекистонда олий таълим ташкилотлари сони филиаллар билан бирга 215 тага етди. Бу 1991/1992 ўқув йилидаги 52 тага нисбатан 4,1 баравар, 2016/2017 ўқув йилидаги 70 тага нисбатан эса 3,1 баравар кўп.

2025/2026 ўқув йили бошида олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган талабалар сони 1 миллион 535 мингни ташкил қилди. Бу 1991-1992 ўқув йилидаги 337,4 мингга нисбатан қарийб 4,6 баравар, 2016-2017 ўқув йилидаги 268,3 мингга нисбатан эса 5,7 баравар ўсиш демакдир.

Айни жараён доимо бир хил суръатда кечмаган. Айрим даврларда талабалар сони камайган, кейинги йилларда эса олий таълим қамрови жадал кенгайган. Бу ҳолатнинг ўзи ҳам узоқ муддатли статистиканинг аҳамиятини кўрсатади: у фақат бошланғич ва якуний натижани эмас, орадаги ўзгаришларни ҳам кўриш имконини беради.

Эндиликда таълим соҳасидаги асосий масала фақат ўқувчи ёки талабалар сони эмас. Таълим сифати, битирувчиларнинг касбий тайёргарлиги, меҳнат бозори талабларига мослиги ва илмий салоҳият янги босқичнинг муҳим мезонларига айланмоқда.

Президентимизнинг мустақиллик байрамидаги нутқида 6 ёшли болаларни тайёрлов гуруҳлари билан тўлиқ қамраб олиш, техникумларда қамровни 1 миллион нафарга етказиш ҳамда камида ўнта университетни дунёнинг мингта етакчи олий таълим муассасаси қаторига олиб кириш бўйича мақсадлар ҳам билдирилди.

Демак, кейинги босқичда таълим статистикаси қамров билан бирга сифат ва натижадорликни ҳам янада кенгроқ акс эттириб бориши зарур бўлади.

Узоқ умр — турмуш сифатининг муҳим мезони

Жамият тараққиётини ифодаловчи энг муҳим демографик кўрсаткичлардан бири туғилишда кутилаётган умр давомийлигидир. 1991 йилда Ўзбекистонда бу кўрсаткич 66,4 ёшни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб 75,4 ёшга етди. Яъни ўртадаги фарқ 9 йилни ташкил қилди.

Бу кўрсаткич фақат соғлиқни сақлаш тизими фаолияти натижаси эмас. Унга аҳоли турмуш шароити, овқатланиш сифати, даромадлари, меҳнат муҳити, тиббий профилактика, санитария, экология ва бошқа кўплаб омиллар таъсир кўрсатади.

Шу боис, умр давомийлиги мамлакатдаги ижтимоий тараққиётни умумлашган ҳолда ифодалайдиган муҳим кўрсаткичлардан биридир.

Давлатимиз раҳбари нутқида келгуси беш йил мобайнида аҳоли саломатлиги билан боғлиқ давлат харажатларини ЯИМга нисбатан 5 фоизга етказиш вазифаси белгилангани ҳам соҳадаги натижаларни статистик жиҳатдан янада кенг баҳолашни тақозо этади.

Фаровонлик уй хўжаликларида ҳам кўринади

Йирик макроиқтисодий кўрсаткичлар мамлакат тараққиётининг умумий манзарасини беради. Лекин аҳоли турмуш шароитидаги ўзгаришларни кундалик ҳаётга яқин бўлган маълумотларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, 2010 йилда Ўзбекистонда бир кишига ўртача 15 квадрат метр уй-жой майдони тўғри келган бўлса, 2025 йилда мазкур кўрсаткич 19,2 квадрат метрга етган.

2010 йилда ҳар 100 та уй хўжалигига ўртача 21 та енгил автомобиль тўғри келган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 43 тага, 2025 йилда эса 61 тага етди. Яъни 2025 йилда ҳар 100 та уй хўжалигига тўғри келадиган автомобиллар сони 2010 йилдагига нисбатан қарийб 2,9 баравар, 2016 йилдагидан эса 41,9 фоиз кўпайган.

Уй хўжаликларининг маиший техника билан таъминланганида ҳам ижобий динамика кузатилади. 2000 йилда ҳар 100 та уй хўжалигига ўртача 86 та совиткич ва музлаткич тўғри келган бўлса, 2025 йилга келиб 124 тага етди. Бу аҳолининг узоқ муддат фойдаланиладиган маиший товарлар билан таъминланганлик даражаси йиллар давомида изчил ортиб борганини кўрсатади.

Рақамли технологияларнинг кундалик ҳаётга кириб бориши эса янада жадал кечди. 2010 йилда ҳар 100 та уй хўжалигига 145 та мобил телефон тўғри келган бўлса, 2016 йилда 246 тага, 2025 йилда эса 359 тага етди. Демак, 2025 йилда мазкур кўрсаткич 2010 йилдагига нисбатан қарийб 2,5 баравар, 2016 йилдагидан эса 1,5 баравар кўпайган.

Ахборот технологияларидан бевосита фойдаланиш имкониятлари кенгаймоқда. Уй хўжаликлари кузатуви маълумотларига кўра, 10 ёш ва ундан катта аҳоли орасида компьютердан фойдаланувчилар улуши 2017 йилда 49,1 фоиз бўлган, 2025 йилда эса 62,1 фоизга етди. Мобил телефондан фойдаланувчи 10 ёш ва ундан катта аҳоли улуши эса 2025 йилда 99,3 фоиз бўлди.

Албатта, алоҳида маиший кўрсаткич фаровонлик даражасини тўлиқ ифодаламайди. Лекин улар бошқа ижтимоий ва иқтисодий маълумотлар билан биргаликда аҳоли ҳаётида юз берган ўзгаришларнинг яна бир қиррасини очиб беради.

2026 йил: мамлакат ҳақидаги маълумотлар янгиланган йил

2026 йил Ўзбекистон миллий статистика тизими тарихида алоҳида ўрин тутади. Мустақил мамлакатимиз тарихида илк бор аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбири ўтказилиб, мамлакатнинг демографик ва аграр салоҳияти ҳақида кенг қамровли маълумотлар базасини шакллантириш учун мустаҳкам замин яратилди.

Рўйхатга олишнинг дастлабки натижаларига кўра, 2026 йил 15 январь ҳолатига Ўзбекистон аҳолиси 39 миллион 47 минг 321 нафарни ташкил этди. Мазкур тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида 8,2 миллиондан ортиқ объектнинг геолокация маълумотлари шакллантирилди.

Бу аҳоли пунктлари, турар жойлар, қишлоқ хўжалиги объектлари ва бошқа манзилли бирликларни аниқ жойлашуви бўйича ҳисобга олиш имконини берди. Энг муҳими, ушбу маълумотлар келгусида статистик кўрсаткичларни ҳудудлар кесимида янада аниқ шакллантириш ва таҳлил қилиш учун муҳим ахборот асоси бўлиб хизмат қилади.

Рўйхатга олишнинг аҳамияти аҳоли сонини аниқлаш билангина чекланмайди. У аҳолининг ёш ва жинс таркиби, ҳудудлар бўйича жойлашуви, яшаш шароити, бандлиги ва бошқа ижтимоий-демографик хусусиятлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ресурслари тўғрисидаги маълумотларни янгилаш имконини беради. Бу эса мамлакат ва унинг ҳар бир ҳудуди ҳақидаги статистик тасаввурни янада тўлиқ ва аниқ шакллантиришга хизмат қилади.

Рўйхатга олиш натижаларидан давлат ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш, инфратузилма объектларини жойлаштириш, мактаблар ва тиббиёт муассасаларига эҳтиёжни баҳолаш, бандлик ва ижтимоий ҳимоя чораларини манзилли режалаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилишда фойдаланиш мумкин. Бошқача айтганда, маълумот қанчалик аниқ ва батафсил бўлса, қабул қилинадиган қарорлар манзиллилиги шунчалик ортади.

Бу йўналишда навбатдаги муҳим қадамлар белгилаб берилган. Давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 10 сентябрдаги фармонида рўйхатга олиш натижаларидан самарали фойдаланиш, уларни бир марталик ахборот сифатида эмас, балки мунтазам янгиланиб борадиган статистик тизимни шакллантиришнинг муҳим манбаи сифатида қўллаш назарда тутилган. Хусусан, рўйхатга олиш натижалари асосида аҳоли ҳамда қишлоқ хўжалигининг статистик регистрини шакллантириш, уларни тегишли давлат органлари ахборот ресурслари билан уйғунлаштириш ва маълумотларни мунтазам янгилаб бориш вазифалари белгиланган.

Натижада рўйхатга олишда шаклланган катта ҳажмдаги маълумотлар муайян санани акс эттирувчи статистик маълумот бўлиб қолмай, аҳоли ва қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришларни мунтазам кузатиш, ҳудудлар ривожини таҳлил қилиш ва келгуси эҳтиёжларни аниқроқ баҳолашга хизмат қиладиган доимий ахборот манбаига айланади.

Шу жиҳатдан 2026 йилги рўйхатга олиш нафақат мамлакат ҳақидаги маълумотларни янгилаган йирик статистик тадбир, балки кейинги йилларда қарор қабул қилиш учун янги ва замонавий маълумотлар базасини шакллантирган муҳим босқич бўлди.

Тизим ва ривожланиш узвийлиги

Жамият ва иқтисодиёт ўзгарган сари уларни ўлчайдиган статистика тизими ҳам янгиланиши табиий.

Президентимизнинг шу йил 10 сентябрдаги фармони билан “Статистикани ривожлантириш — 2030” миллий стратегияси тасдиқланди. Стратегия 2026-2030 йилларда расмий статистиканы модернизациялаш, миллий статистика тизими иштирокчилари фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, маълумотларнинг сифати, ишончлилиги ва очиқлигини ошириш ҳамда уларнинг фойдаланувчилар учун амалий аҳамиятини кучайтиришга қаратилган.

Замонавий статистика энди фақат корхона ва ташкилотлардан ҳисобот йиғишга таянмайди. Маъмурий маълумотлар, рақамли ахборот тизимлари, муқобил маълумот манбалари, геофазовий маълумотлар ва янги статистик усуллар тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Бунинг сабаби аниқ: бугун иқтисодиёт ва жамиятдаги жараёнлар анча тез кечмоқда. Қарор қабул қилувчиларга ҳам, бизнесга ҳам, олимлар ва жамоатчиликка ҳам маълумотнинг фақат ишончли бўлиши эмас, балки ўз вақтида, тушунарли ва таққослаш учун қулай шаклда тақдим этилиши зарур.

SIAT очиқ маълумотлар платформаси, статистик жараёнларни рақамлаштириш, рўйхатга олиш натижаларидан самарали фойдаланиш ва турли ахборот манбаларини уйғунлаштиришга қаратилган ишлар ана шу ўзгаришларнинг бир қисмидир.

Бугун мамлакат ривожланишининг янги босқичида статистикага талаб ўзгармоқда. Энди республика бўйича ўртача кўрсаткичнинг ўзи етарли эмас. Қайси ҳудудда аҳоли тез ўсмоқда? Қаерда янги мактабга эҳтиёж юқори? Қайси туманда иш ўринларига талаб кўпроқ? Қайси соҳада меҳнат унумдорлиги тезроқ ўсмоқда? Инвестициянинг қайси қисми юқори иқтисодий натижа бермоқда?

Бу саволларга жавоб қанчалик аниқ бўлса, қабул қилинадиган қарор шунчалик манзилли бўлади.

Шу боис, статистиканинг бугунги вазифаси фақат натижани қайд этишдан иборат эмас. У давлат бошқаруви, иқтисодиёт ва жамиятнинг реал эҳтиёжларини аниқ кўрсатиб берадиган ахборот инфратузилмасига айланиб бормоқда.


Мустақилликнинг ўттиз беш йиллик тарихига рақамлар орқали назар ташласак, ўзгаришлар кўлами яққол кўринади: аҳоли қарийб икки баравар кўпайди, иқтисодиётнинг реал ҳажми бир неча баравар ўсди, инвестиция ва қурилиш имкониятлари кенгайди, ташқи савдо миқёси бутунлай янги даражага чиқди, олий таълимда талабалар сони 1,5 миллиондан ошди, умр давомийлиги сезиларли узайди.

Энг муҳими, бу натижалар энди янги вазифалар учун бошланғич нуқта вазифасини ўтайди. 2030 йил учун белгиланган мақсадлар мамлакатнинг кейинги тараққиёт даврига дахлдор. Уларнинг бажарилиши эса йилма-йил, тармоқма-тармоқ ва ҳудудма-ҳудуд аниқ статистик маълумотларда акс этиб боради.

Зеро, тараққиётнинг энг ишончли ўлчови — унинг инсон ҳаётидаги натижаси. Статистиканинг вазифаси эса ана шу натижани холис, аниқ ва тушунарли рақамларда кўрсатишдан иборат.

БОҒЧАДАН КОРХОНАГАЧА

Таълимдаги ягона занжир ёрқин келажакни кафолатлайди



Мулоҳаза



Абдуғаффор ЖЎРАЕВ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Мустақиллигимизнинг 35 йиллик айёми чин маънода янги давр дебочаси, ўзлигимиз ва имкониятларимизни сарҳисоб қилувчи палла ўлароқ тарихга кирди. Мазмунан серқамров давр мобайнида миллий давлатчилигимиз ўзининг бақувват асосини ярата олди.

Давлатимиз раҳбарининг тантанали маросимдаги нутқида эълон қилинган еттита миллий дастурнинг биринчи йўналиши сифатида билим ва малакани келгуси тараққиётнинг асосий капиталига айлантириш вазифаси қўйилгани бежиз эмас. Барчамиз гувоҳмиз, бугунги жаҳон иқтисодиётида ўта жиддий таркибий бурилишлар юз беряпти: анъанавий хомашё ресурсларига таянган иқтисодий ўсиш моделлари ўз ўрнини интеллектуал сармоя ва инновацияларга бўшатиб бермоқда. Янги мингйилликнинг қатъий талаби ҳам шундан иборатки, фақат ва фақат юксак интеллектуал салоҳиятли халқларгина глобал рақобат майдонида ўз сўзини айта олади ва муносиб ўрин эгаллайди.

Билимни тараққиёт драйверига айлантириш ғояси замирида чуқур иқтисодий ва ижтимоий мантиқ мужассам. Қайси давлат бўлмасин, унинг бойлиги ер ости ёки ер усти захиралари билан эмас, аввало, фуқаролари билими, иқтидори ва замонавий кўникмаларни қанчалик эгаллагани билан ўлчанадиган давр келди. Инсон капитали индекси юқорилиги бевосита макроиқтисодий барқарорлик, инвестициявий жозибадорлик ва аҳоли фаровонлигини таъминловчи энг ишончли кафолатдир. Аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил этадиган Ўзбекистондек мамлакатда демографик имкониятни иқтисодий мўъжизага айлантиришнинг бирдан-бир йўли ҳам айнан сифатли таълим тизимини яратишдан иборат.

Тарихга боқсак, фақат таълимга киритилган сармоя ҳеч қачон қадрсизланмаслигига, аксинча, йиллар ўтган сари мевасини ўн баробар қайтаришига ишонч ҳосил қиламиз. Рақамлаштириш ва сунъий идрок ҳаётимизнинг ҳар жабҳасига шиддат билан кириб келаётган ҳозирги шароитда анъанавий касблар йўқолиб, ўрнини таҳлилий фикрлашни талаб этувчи янги мутахассисликлар эгаллаб бормоқда.

Шунинг учун малака ва билимни янги ўн йиллик пойдевори этиб белгиланишини давлатнинг узоқни кўзлаган, донишмандона қарори сифатида эътироф этиш жоиз. Келажакда ёшларимиз халқаро меҳнат бозорида муносиб рақобат қила олиши учун бугун уларга берилаётган таълим ҳар жиҳатдан ҳал қилувчи масаладир.

Яқинда давлатимиз раҳбари фармони билан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги негизида ягона Таълим ва илм-фан вазирлиги ташкил этилиши юқорида таъкидланган юксак мақсадларнинг амалдаги мантиқий инъикоси бўлди. Йиллар давомида таълимнинг турли босқичлари алоҳида идоралар тасарруфида бўлиши тизимда тарқоқликни, содда айтганда, бино пойдевори билан кошини ўртасида узилишларни келтириб чиқарганини энди очиқ тан олиш керак. Иқтисодий тилда тушунтирганда, кадрлар тайёрлашдек мураккаб ва нозик “узлуксиз қўшилган қиймат занжири” турлича стандартлару ёндашувларга эга субъектлар қўлида бўлиниб кетган эди. Боғча тарбияланувчига ўзича ёндашиб таълим берган бўлса, мактаб бошқачароқ дастурни тақдим этган, олийгоҳ эса мактаб битирувчиси ўз талабларига мос келмаслигидан



нолиган. Энди бу бўғинларнинг барчаси ягона бошқарув остига бирлаштирилиб, инсон капиталини шакллантиришнинг яхлит экотизими яратилмоқда. Мазкур механизм бола боғча остонасига илк қадам қўйган кундан бошлаб, то тайёр мутахассис бўлиб етишгунига қадар ўтадиган бутун бир ҳаётий циклни ягона нуқтадан бошқариш имконини тақдим этади.



Бу ўринда бошқарувдаги яккабошчилик эмас, айнан якдиллик ғояси муваффақиятимизнинг асосий калити бўлади.

Мазкур ислоҳотнинг келажагимизга қанчалик ижобий таъсир кўрсатишини оддий бир мисол орқали англаш мумкин. Тасаввур қилинг, йирик кўприк қуриляпти. Агар унинг бошланиш қисмини бир муҳандислик компанияси ўз чизмасига кўра, ўрта қисмини бошқаси, якунини эса учинчи бир ташкилот мустақил қоидалари билан қурса, натижа нима бўлишини тахмин қилиш мушкул эмас. Йиллар ўтиб, бу қисмлар ўртада учрашганда кўприк чоклари тушмай қолмаслигига ким кафолат беради? Таълим тизими худди шундай нозик ижтимоий муҳандисликдир.

Мактабдаги дарсликлар ва ўқитиш методикаси бевосита олий таълим салоҳиятига хизмат қилиши, олий таълимдаги илмий янгиликлар эса мактаб ҳамда боғча дастурларига сингиши зарур. Янги ташкил этилган вазирлик айнан шу узлуксиз айланма ҳаракатни, таълимдаги ҳақиқий интеграцияни таъминлашга қодир куч бўлади. Олий таълим муассасаларидаги профессорлар, тажрибали олимлар мактаб дарсликларини такомиллаштиришда асосий фигураларга айланади, ахир улар энди ягона идоравий тизимда фаолият юритиб, бир мақсад сари ҳаракат қилади. Илм-фан ютуқлари ҳам тадқиқот институтларининг чанг босган жавонларидан йиллик дастурларга кириб боради. Қолаверса, бундай мантиқий узвийлик иқтисодий самарадорликни ошириб юбориши ҳам амалиётда кўп бор исботини топган.

Давлат бюджети маблағларини тақсимлаш нуқтаи назаридан ҳам бу бирлашув катта аҳамиятга эга. Илгари битта бола тақдири учун икки хил вазирлик ўзича иккита алоҳида стратегия ишлаб чиққан бўлса, энди маблағлар асоссиз бўлиниб кетмайди. Ягона нуқтадан бошқариладиган бюджет боланинг иқтидорини гўдаклик чоғиданоқ аниқлаш, уни керакли ресурслар билан таъминлаш ҳамда етук мутахассис бўлиб етишгунича барқарор қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Боланинг боғчадаги психологик портрети келгусида қайси касбга мойиллигини кўрсатса, мактабда фанларни ўзлаштириш кўрсаткичи тўғридан тўғри олий таълим квоталарини белгилашга хизмат қилади. Алоҳида идоралар шароитида бундай хулосаларни бир жойга жамлаб, тизимли таҳлил қилиш имконсиз эди. Рақобатбардош давлатлар тажрибасида ҳар бир инсон иқтидори том маънода миллий бойлик сифатида қадрланишини ҳисобга олсак, мазкур ислоҳот ижтимоий капитални юксалтириш сари қўйилган дадил қадам бўлди.

Таълим сифати бўйича жаҳонда йиллар давомида етакчиликни қўлдан бой бермаётган давлатлар, хусусан, Сингапур, Финляндия ёки Жанубий Корея моделига эътибор қаратсак, айнан яхлит бошқарув тамойили улардаги муваффақиятларнинг туб сири эканига ишонч ҳосил қиламиз. Сингапур каби табиий ресурслари ўта тақчил давлатда инсон капиталини ривожлантириш яхлит стратегия атрофида мувофиқлаштирилади. У ердаги таълим вазирлиги узлуксиз таълимнинг барча босқичларини — касб-ҳунар мактабларидан тортиб, йирик тадқиқот институтларигача ўзида жамлаган интеллектуал хаб вазифасини бажаради. Бу давлатда оддий боғча тарбиячиси ҳам, университет профессори ҳам ягона таълим сиёсати ижрочилари сифатида қадрланади. Натижада мактабдаги ўқувчининг фанларни ўзлаштириши мамлакатнинг технологик экспорт салоҳиятига тўғридан тўғри таъсир кўрсата оладиган механизм яратилган. Демак, иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари илдизи бевосита синф хоналаридаги таълим сифатига бориб тақалади.

Финляндиядаги жаҳон эътироф этган таълим мўъжизасида мактаб ва олий таълим ўртасидаги узвийлик энг юқори даражага кўтарилганини кўрамиз. Педагогика йўналишидаги университетлар тўғридан тўғри мактабларга бириктирилган бўлиб, ўқитувчи тайёрлаш ҳамда мактабдаги таълим жараёни битта томир орқали озиқланади. Финляндия тажрибаси исботлайдики, мактабдаги сифатли таълимни фақат кучли университетлар кўмагидагина рўёбга чиқариш мумкин. Жанубий Корея ҳам таълим ҳамда технологияларни уйғунлаштириш орқали иқтисодий тараққиётга эришган давлатлардан бири.

Уларнинг ёндашувида мактабгача таълим ва фундаментал тадқиқотлар бир-бирини тўлдирувчи ҳалқа сифатида эътироф этилади. Янги ташкил этилган вазирлик айни шундай илғор халқаро стандартларнинг миллий менталитетимиз ва иқтисодий хусусиятларимизга мослаштирилган кўринишидир. Ёшларимиз глобал меҳнат бозорида энг олди сафдан жой олиши учун, аввало, уларни бошқарувчи тизим жаҳон даражасидаги мукаммал менежментга таяниши талаб қилинади. Зеро, тизимсиз бошқарув орқали ягона миллий ғояни шакллантириш мушкул.

Юртимизда таълимга қаратилаётган эътибор фақат таркибий ислоҳотлар билан чекланиб қолмай, ўзига хос ижтимоий жиҳатлари билан ҳам аҳамиятли. Хусусан, сўнгги йилларда ўқитувчи ва мураббийларнинг жамиятдаги нуфузини юксалтириш йўлида қилинган саъй-ҳаракатлар амалий натижасини бермоқда. Очиқ тан олиш керак, агар педагогнинг моддий фаровонлиги ва руҳий хотиржамлиги таъминланмас экан, ҳеч қандай замонавий ўқув дастурию инновацион методикадан наф йўқ. Ойлик маошларнинг муттасил оширилиши, муаллимларнинг ёт ишлардан ҳамда мажбурий меҳнатдан озод этилиши соҳага соғлом ижодий рақобат руҳини олиб кирди. Бугунга келиб энг иқтидорли ёшлар, халқаро олимпиада ғолиблари айнан шу касб эгаси бўлишни мақсад деб билмоқда. Бугун ота-оналар фарзандининг келажагини мол-мулк тўплашда эмас, уларни сифатли мактабларда ўқитишда кўраётгани жамиятимиздаги том маънодаги интеллектуал инқилоб.

Яна бир муҳим жиҳат — рақамли технологиялар ҳамда сунъий идрок элементларининг ўқув жараёнига кенг жорий этилаётгани. Айнан ягона вазирлик шароитида бу рақамлаштириш жараёни анча тизимли тус олади. Бугун энг чекка қишлоқлардаги мактаб ўқувчилари ҳам пойтахтдаги илғор таълим даргоҳлари қатори бир хил ахборот ресурсларию рақамли кутубхоналардан фойдаланиш имконига эга бўлмоқда. Масофавий таълим платформалари, интерактив электрон дарсликлар анъанавий ўқитишдаги тўсиқларни парчалаб, ёшларга исталган вақтда мустақил изланиш имконини тақдим қиляпти. Таълимга ахборот технологиялари кириб келиши компьютер саводхонлигини ошириш эмас, асосийси, тизимли фикрлаш ва таҳлил кўникмаларини болага ёшлигиданоқ сингдириш демак.

Мамлакатимизнинг исталган нуқтасидан туриб, дунёдаги йирик кутубхоналарга уланиш ёки хорижлик мутахассисларнинг онлайн маърузаларида қатнашиш бугун одатий ҳолга айланиб қолди. Бу ҳаракатларнинг барчаси иқтисодиётда кадрлар мослашувчанлигини — ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига тезда мослаша оладиган ёш мутахассислар қатламини шакллантиради.

Таълим ва илм-фан вазирлигининг келгусидаги энг муҳим вазифаси фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш ўртасидаги ўнлаб йиллик тарихий бўшлиқни бартараф этишдан иборат. Илм-фан энди фақат аудиторияларда қоғоз қоралаш ё илмий унвонлар олиш учунгина хизмат қилмайди. Аксинча, у иқтисодий муаммоларга арзон ва самарали ечим топиши, завод ва фабрикаларда, аграр секторда инновацион ечим сифатида жорий этилиши шарт.

Ёшларимизнинг кўксида бутун дунёни ўзгартиришга қодир яширин куч бор, фақат уни тўғри йўналтириб, қобилиятини рўёбга чиқариш учун ягона таълим муҳити етишмаётган эди. Яқинда мана шу пойдеворга тамал тоши қўйилди. Бу эса тарихан қисқа муддатларда ўз мевасини бера бошлаши шубҳасиз.

БОЛАЛАРНИ ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

давлат суверенитетининг ҳуқуқий ва сиёсий ифодасидир

Янги қонун



Маҳфуза ЙЎЛДОШЕВА, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори

Давлатнинг тарихий ва маънавий салмоғи, аввало, унинг энг ожиз, ўзини ўзи ҳимоя қилишга қодир бўлмаган фуқароларига, яъни болаларга қандай муносабатда бўлишида кўринади. Ўзбекистонда болаларга нисбатан зўравонлик учун жавобгарликни кескин кучайтирувчи “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги янги қонуннинг қабул қилиниши айнан ана шу ҳақиқатнинг ҳуқуқий ва сиёсий ифодасидир.

Бу қонун оддий норматив ўзгариш эмас. У жамиятга аниқ ва муросасиз сиёсий сигнал: болага қўл кўтариш, унинг шаъни ва қадр-қимматини топташ ҳеч қандай “тарбия”, “оилавий иш”, “ички масала” ёки “уят бўлмасин” деган баҳоналар билан оқланмайди. Давлат бу масалада бетараф кузатувчи эмас, балки боланинг ёнида турувчи ҳимоячидир.

Янги қонуннинг энг кескин ва ахлоқан асосли жиҳати 14 ёшга тўлмаган болага нисбатан номусга тегиш ва жинсий зўравонлик билан боғлиқ оғир жиноятлар учун узоқ муддатли ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосининг белгиланишидир. Болаликни ўғирлаган шахс жамият олдида ҳеч қандай юмшатувчи муносабатга лойиқ эмас.

Бундай жиноятлар бўйича жавобгарликка тортиш муддати қўлланмаслиги эса чуқур фалсафий ва ҳуқуқий маънога эга. Кўпинча зўравонликдан жабрланган бола ўзи бошдан кечирган ҳолатни йиллар ўтиб, вояга етгандагина англаб, тилига чиқара олади. Энди жиноятчи учун “вақт ўтиб, унутилиб кетади” деган умид бутунлай йўққа чиқарилди.

Қонуннинг инсонпарварлик моҳияти фақат жазолашда эмас. Унинг энг муҳим жиҳати жабрланган болани тергов ва суд жараёнида иккинчи марта жароҳатламасликка қаратилган кафолатлардир. Халқаро амалиётда бу “иккиламчи виктимизация”-нинг олдини олиш деб аталади.

Сўроқ қилиш жараёнининг видеоёзувга олиниши жабрланган боланинг ўз фожиасини турли идораларда қайта-қайта сўзлаб беришига чек қўяди. Бола ва гумон қилинувчи ўртасидаги юзлаштирувнинг махсус тартибда ўтказилиши уни зўравон билан юзма-юз келишдек оғир руҳий синовдан асрайди. Жиноят боланинг яқинлари томонидан содир этилган ҳолатларда васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштироки эса оила ичида бола манфаатларининг қурбон қилинишига йўл қўймайди. Зўравонликдан жабрланган ёки унга гувоҳ бўлган болаларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилиши ҳуқуқий тенгликнинг амалий ифодасидир. Чунки адолатга эришиш имконияти боланинг оиласи қанча маблағга эга эканига боғлиқ бўлмаслиги керак. Бу “бола манфаатлари устуворлиги” тамойилининг декларациядан ҳаётга кўчишидир.

Мазкур ислоҳот тасодифий ёки кампаниябозлик характеридаги қадам эмас. У сўнгги йилларда изчил шакллантирилаётган яхлит давлат сиёсатининг узвий давомидир. 2024 йилдаги “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун зўравонликнинг жисмоний, руҳий, жинсий шакллари қаторига қаровсиз қолдириш, эксплуатация ва буллингни қўшиб, ҳимоя ордери институтини жорий этди. Кейинчалик 2026-2030 йилларга мўлжалланган Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш стратегияси тасдиқланди. Профессионал тутинган оилалар хизмати йўлга қўйилди.

Бугунги қонун эса ушбу тизимнинг жиноий-ҳуқуқий ва процессуал “қалқони”ни мустаҳкамлайди. Профилактика, жавобгарлик ва реабилитация уйғунлашган комплекс модель эса замонавий жаҳон тажрибасида энг самарали деб тан олинган ёндашувдир.

Мазкур қонун ички сиёсат доирасидан анча кенг аҳамиятга эга. Ўзбекистон БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси иштирокчиси сифатида ўз мажбуриятларини қоғоздаги декларациядан аниқ ҳуқуқий механизмларга кўчирмоқда. Мамлакатимизнинг Богота чақириғига қўшилиши ва болаларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш бўйича Глобал альянсга аъзо бўлиши бу йўлдаги қатъий танловимизни халқаро ҳамжамиятга намойиш этди.

Бугунги халқаро муносабатларда давлатнинг нуфузи фақат иқтисодий ёки ҳарбий салоҳият билан эмас, балки инсон ҳуқуқларига содиқлиги, ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш имконияти билан ҳам белгиланади. Бола ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилаётган давлат халқаро рейтинглар, инвестиция муҳити ва дипломатик мулоқотда ўзининг “юмшоқ куч”ини оширади. Шу маънода, болалар ҳимояси миллий манфаатлар ва миллий хавфсизликнинг ажралмас таркибий қисмидир.

> **“Жамиятимизда ҳали ҳам “бировнинг оиласига аралашма”, “гап тарқалмасин” деган ёндашувлар мавжуд. Аммо болага нисбатан зўравонликни кўриб жим туриш бетарафлик эмас, балки унга шерик бўлишдир. Ҳар бир фуқаро ишонч телефонига мурожаат қилиш, хабар бериш ва болани ҳимоя қилиш фуқаролик бурчи эканини англаши зарур.**

Баъзан болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш ғоясини “ғарбона қараш” сифатида талқин қилишга уринишлар учрайди. Бу мутлақо асоссиз. Халқимизнинг “Бола — уйнинг чироғи”, “Болали уй — бозор” каби ҳикматлари, Абдулла Авлонийнинг тарбияни ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласи деб билгани буни яққол кўрсатади. Жадид боболаримиз миллатнинг келажаги боланинг соғлом руҳи ва онгли тарбиясига боғлиқ эканини бир аср олдин англаган эди. Зўравонлик эса тарбия эмас, балки қўрқув, нафрат ва авлоддан авлодга ўтувчи жароҳат уруғини экади. Шу боис, янги қонун миллий қадриятларимизга зид эмас, аксинча, уларнинг асл моҳиятини, яъни болага меҳр, ғамхўрлик ва ҳурмат билан муносабатда бўлиш анъанасини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Энг мукаммал қонун ҳам ижро механизми ва жамоатчилик онги билан қўллаб-қувватланмаса, ўз кучини тўлиқ намоён эта олмайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг махсус тайёргарлиги, педагоглар, шифокорлар ва маҳалла фаолларининг зўравонлик белгиларини эрта аниқлаш кўникмаси, ҳар бир ота-онанинг масъулияти — буларнинг барчаси ягона ҳимоя тизимининг узвий бўғинларидир.

Жамиятимизда ҳали ҳам “бировнинг оиласига аралашма”, “гап тарқалмасин” деган ёндашувлар мавжуд. Аммо болага нисбатан зўравонликни кўриб жим туриш бетарафлик эмас, балки унга шерик бўлишдир. Ҳар бир фуқаро ишонч телефонига мурожаат қилиш, хабар бериш ва болани ҳимоя қилиш фуқаролик бурчи эканини англаши зарур.

Бир сўз билан айтганда, қонун Ўзбекистоннинг ўз келажагига берган ваъдасидир. У ҳар бир болага: “Сен ёлғиз эмассан, давлат ва жамият сенинг ёнингда” деган аниқ кафолатни беради. Зўравонлик кўрган бола — яраdор келажак, ҳимояланган бола эса эркин, ижодкор ва ватанпарвар фуқародир.

ЎЗЛИГИМИЗ ТИМСОЛИНИНГ ОЛАМ УЗРА САДОСИ



Абдукамол РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ЮНЕСКОнинг 2025 йилдаги маълумотига кўра, дунёда 8324 та оғзаки ва имо-ишора тили ҳужжатлаштирилган бўлиб, уларнинг тахминан 7000 дан кўпроғи ҳозир ҳам қўлланади. Аммо Ethnologue халқаро тилшунослик маълумотлар базаси эълон қилган кўрсаткичларда 3193 та тил йўқолиб кетиш хавфи остида деб баҳоланган. Демак, Ҳазрат Алишер Навоий таъбири билан айтганда, тил ҳам, эл ҳам эътиборни талаб қилади.



Она тилимиз ҳам йиллар давомида турли вазиятларни бошдан кечирди. Унга нисбатан кўплаб ноҳақликлар қилинди. Айниқса, собиқ иттифоқ даврида қаттиқ тўсиқ ва сиқувларга дучор бўлди. Мустабид тузум вакилларидан бирининг тилимизга нисбатан: “Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди” деган сўзлари тарихда қолди.

Ҳа, кўп минг йиллик масофани босиб, узоқ-узоқдан шаклланиб, ривож топиб келган ҳамда халқимизнинг маънавияти, маърифати, маданияти ва қадриятлари билан бевосита боғлиқ бўлган тилимиз ўша кезларда ҳукмрон мафкуранинг тазйиқи остида оғир кунларни бошдан ўтказди.

Бу йил ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 37 йиллиги кенг нишонланмоқда. Албатта, бу тарих учун унча катта муддат эмас, аммо ўтган даврда қонун ҳужжатларига мувофиқ она тилимизнинг мавқеини ошириш, софлигини сақлаш, йўқолиб кетган сўзларни қайта тиклаш ҳамда бу борадаги қонунчилик ҳужжатлари маъно-мазмунини ёш авлод онгига сингдириш йўлида улкан ишлар қилинди.

Тилимизнинг нуфузи нафақат халқимиз орасида, бошқа мамлакатларда ҳам ошиб бормоқда. Унинг жозибаси хорижликларни мафтун қилмоқда. Чет эллик меҳмонларнинг ўзбек тилида сўзлаганини эшитиб қолганимизда қалбимиз ғурур-ифтихорга тўлади.

Бу бежиз эмас. Она тилимиз жаҳонга юз тутмоқда. Бир неча хорижий мамлакатда ўзбек тили ва маданияти марказлари очилмоқда. Жумладан, Қирғизистоннинг Ўш давлат университети, Қозоғистоннинг Жумабек Ташенов номидаги университети, Туркиянинг Улудоғ ва Орду университетлари, Японияннинг Токио чет тиллар университети, Мисрдаги Қоҳира университети ҳамда Душанбе шаҳридаги Сотим Улуғзода номидаги Халқаро хорижий тиллар университетида ўзбек тили ва маданияти марказлари ташкил этилди. Шунингдек, Италиянинг Ка-Фоскари университетида “Ўзбекистон бурчаги” очилган бўлса, Буюк Британиянинг Оксфорд университетида ўзбек тили ва маданиятини ўрганишга қаратилган “Uzbek Studies Programme” дастури йўлга қўйилган.

Бундай эзгу ишларни Озарбайжон ва бошқа мамлакатлар мисолида ҳам келтириш мумкин. Расмий маълумотларга кўра, Жанубий Корея, Хитой, АҚШ, Бразилия, Ҳиндистон, Япония, Германия ва Франция фуқаролари учун ҳам “Ўзбек мактаби” курслари йўлга қўйилган. Шунингдек, “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси доирасида хорижликлар учун ўзбек тилини ўрганиш имконияти яратилган.

Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Афғонистонда аввалдан ўзбек тилида дарс бериладиган мактабларни қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда 2022 йилда Ўзбекистон томонидан Қирғизистоннинг Баткен вилояти Самарқандек қишлоғида 330 ўринли замонавий мактаб қуриб битказилди ва жиҳозлаб берилди.

Бундан ташқари, Ўш шаҳрида ҳам Ўзбекистон маблағи ҳисобидан Алишер Навоий номидаги мактаб бунёд этилган. Тожикистоннинг Хатлон вилояти Қубодиён туманида эса мамлакатимиз томонидан замонавий мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилган. Туркияда очилган ва Ўзбекистон таълим дастурлари асосида ўқитиладиган умумтаълим мактаби, шунингдек, Озарбайжоннинг Қорабоғ ҳудудидаги Фузулий шаҳрида фаолият бошлаган Мирзо Улуғбек номидаги 1-мактаб ҳам ана шундай саъй-ҳаракатлар маҳсули. Қолаверса, бугун мамлакатимизда таълим олаётган минглаб хорижликлар ҳам ўзбек тилини ўрганишга киришган. Бу эса, шубҳасиз, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамияти орасидаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётгани, тилимиз дунё бўйлаб оммалашаётганидан далолатдир.

Ўзбек тилига муҳаббат

Сен — севги тилисан, сен лутф тилисан,
Борлиғига сингган юрак саслари.
Ҳар кимни бағрингга ола биласан,
Қалбида бўлса гар севги ҳислари.

Тарихдан куч олиб юксалдинг шоён,
Давлатлар қургансан, тахтлар кўргансан.
Ким айтур бу йўллар кечгандир осон,
Бу йўлда жонга-жон қурбон бергансан.

Туркий шеъриятнинг шоҳ асарлари,
Сенинг қудратинг-ла келмиш дунёга.
Бу юртда наволар топмиш Навоий,
Ишқ нурин улашиб ҳар бенавога.

Бир қўлида қилич, бирида қалам,
Шоир Бобур сўз-ла етишди Ҳаққа.
Бизда ҳам у йиллар улуғ Хатоий,
Туркий сўз шарафин юксалтди кўкка.

Тошларга ўйилган битиклар йитмас,
Ўзбекнинг тилини ёзмиш кўксига.
Ёритиб бу шараф, бу шон йўлини,
Ҳар ою йилини ёзмиш кўксига.

Келажакка умид, ишонч бор токи,
Бақога элтгувчи бу тил бор бўлсин.
Токи ўзбек бордир, токи бор тили,
Эл тилга, тил элга доим ёр бўлсин.

Интиқом ЯШАР,
Озарбайжон шоири,
Дунё ёш турк ёзувчилар бирлиги раиси

Нурбой ЖАББОР таржимаси.

ҚАЛБЛАРНИНГ ҚУЛФИНИ ОЧГУВЧИ ТИЛСИМ



Мансур ЮНУС,
Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Бугун дунёда 7200 дан ортиқ тил мавжуд. Улар миллатларнинг тараққиёти, мулоқот маданиятига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. “Тил билган — эл билади”, дейди доно халқимиз. Тиллар давлатлар ўртасида мулоқот воситаси бўлиб хизмат қилади. Қалбларга йўл топади. Чунки ҳар бир тил негизида мўътабар сўз яшайди.

Ҳазрат Алишер Навоий “Ҳар қандай қалбнинг қулфини очадиган тилсим — сўз”, дейди. Ўзбек тили — халқимизнинг кўп асрлик тарихи, миллий ўзлиги ва маънавий қадриятларини ўзида мужассам этган бой тиллардан. Асрлар давомида ўзбек тили турли тарихий, ижтимоий ва маданий жараёнлар таъсирида ривожланиб, бугунги адабий тил даражасига етиб келган. ЮНЕСКОнинг 2025 йилги маълумотида ҳар икки ҳафтада бир тил йўқолиб бораётгани қайд этилган. Бунга эса одамларнинг оилада ва жамиятда она тилида мулоқот қилиш маданияти камайиб бораётгани сабаб бўлаётганини олимлар тадқиқ этган.

Давлат тили — миллатнинг тарихий хотираси, маънавияти ҳамда давлат бошқарувининг муҳим воситаларидан бири. Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеи узоқ тарихий жараёнлар давомида шаклланган. Унинг тараққиётини мутафаккирлар ижоди, адабий мероси ва тил ҳақидаги қарашлари билан боғлиқ ҳолда кўриш мумкин.

Ўзбек тилининг илдизлари қадимги туркий тилларга бориб тақалади. Қадимги туркий битиклар, кейинчалик Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари туркий тилларнинг луғавий ва грамматик жиҳатдан бойлигини намоён этади. Маҳмуд Кошғарий туркий халқларнинг тили, урф-одати ва маданияти ҳақида қимматли маълумотлар қолдирган.

Тил тараққиётида Алишер Навоийнинг хизматлари алоҳида аҳамиятга эга. У “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида туркий ва форсий тиллар хусусиятларини қиёслаб, туркий тилнинг бадиий ва илмий фикрни ифодалашдаги кенг имкониятларини кўрсатган. Навоий ижоди натижасида туркий адабий тил юқори даражада ривожланди ва катта адабий анъанага эга бўлди.

Кейинги даврларда Мирзо Бобур, Машраб, Огаҳий, Муқимий, Фурқат каби ижодкорлар ўз асарлари орқали ўзбек адабий тилининг бойишига катта ҳисса қўшди. Уларнинг бой маънавий мероси бугун ҳам тилимизнинг нуфузи ошишига хизмат қилиб келмоқда.

Мутафаккирлар тилни шунчаки алоқа воситаси эмас, балки миллатнинг маънавий бойлиги сифатида ҳам кўрган. Навоий учун она тилининг бор жозибасини намоён этиш муҳим вазифа ҳисобланган. Маҳмуд Кошғарий эса тилни халқнинг тарихи, маданияти ва дунёқарашини акс эттирувчи асосий манба сифатида ўрганган.

Тилимизнинг бугунги қиёфаси қадимий тарих ва тараққиёт уйғунлигидир. Аждодларимиз яратган бой адабий мерос тилимизнинг маънавий пойдевори бўлса, замонавий фан, технология ва рақамли муҳит унинг янги ривожланиш босқичини белгиламоқда.



Жадид маърифатпарварлари ҳам тил масаласига катта эътибор қаратган. Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий каби маърифатпарварлар халқнинг саводхонлигини ошириш, таълимни ривожлантириш ва миллий ўзликни мустаҳкамлашда она тилининг аҳамиятини таъкидлаган.

Мустақилликдан кейин ўзбек тилининг давлат бошқаруви, таълим, фан, оммавий ахборот воситалари ва бошқа соҳалардаги қўлланиш доираси янада кенгайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўзбек тилининг давлат тили экани белгилаб қўйилган.

Бугунги ўзбек тили анъанавий адабий мерос билан замонавий технологияларни уйғунлаштираётган, ривожланган миллий тилдир. У нафақат кундалик мулоқот, адабиёт ва санъатда, балки таълим, илм-фан, давлат бошқаруви, бизнес ва интернет муҳитида ҳам фаол қўлланмоқда. Замонавий ўзбек тилида янги тушунчаларни ифодаловчи кўплаб сўз ва терминлар пайдо бўлмоқда. “Рақамли технология”, “сунъий интеллект”, “электрон ҳукумат”, “киберхавфсизлик” каби тушунчалар тилимизнинг янги давр эҳтиёжларига мослашаётганини кўрсатади.

Ўзбек тили замонавий технологиялар, интернет, илм-фан ва рақамли коммуникация шароитида ривожланмоқда. Янги терминларнинг кириб келиши, электрон луғатлар ва тил корпусларининг яратилиши, ўзбек тилидаги рақамли контентнинг кўпайиши тилимизнинг замонавий имкониятларини кенгайтирмоқда.

Шу билан бирга, давлат тили ривожида бир неча муҳим вазифа мавжуд. Жумладан, илм-фан ва технология терминологиясини изчил ривожлантириш, давлат идораларида адабий тил меъёрларига риоя қилиш, таълимда ўзбек тилининг сифатли ўқитилишини таъминлаш, рақамли технологияларда ўзбек тилини тўлақонли қўллаб-қувватлаш ҳамда ёш авлодда она тилига ҳурмат ва масъулиятни кучайтириш шулар жумласидан.

Тилимизнинг бугунги қиёфаси қадимий тарих ва тараққиёт уйғунлигидир. Аждодларимиз яратган бой адабий мерос тилимизнинг маънавий пойдевори бўлса, замонавий фан, технология ва рақамли муҳит унинг янги ривожланиш босқичини белгиламоқда. Ўзбек тилини асраш, софлиги ва бойлигини сақлаш билан бирга уни замонавий илм-фан ва технологиялар тилига айлантириш ҳар бир авлоднинг муҳим вазифаси.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1046.
29213 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Жонибек Алижонов
Мусаҳҳиҳ: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98
E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ЎзА якуни — 03:15 Топширилди — 05:00